O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 14 октябрь, № 202 (4101) Шанба

ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ҚАДРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!
Ҳурматли депутатлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган аҳвол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдизлари ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олсак, юзага келган вазиятни соғломлаштириш, ишимизнинг самарасини ошириш бўйича тегишли қарорларга келсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Булар тўғрисида гапирар эканмиз, ҳаммамизнинг, айниқса, вилоят аҳлининг ҳаётида битмас яра бўлиб қолган ўтган йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Содир бўлган террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари устидан олиб борилган тергов ишлари ва суд жараёнлари давомида кўп нарсалар аниқланганги, жиноятчилар қилмишига яраша қонуний жазо олгани ҳақида барчангиз хабардорсиз.

Халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан пухта ўйлаб ташкил этилган бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимиз ва орамизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдариш, қандайдир "халифалик давлати"ни ўрнатишдек хомхаёлларни амалга оширишга қаратилгани бугун барчамизга аён.

Бугунги кунда ҳам минтақамизда, ёнатрофимизда сақланиб қолаётган мураккаб вазият, турли таҳдид ва хавф-хатарлар Андижон воқеаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, улардан зарур сабоқ ва хулосалар чиқаришга, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий огоҳликка даъват этаётганини унутмаслигимиз лозим.

Албатта, бу мудҳиш воқеалар ва уларнинг оқибатида кўпгина одамлар ҳалок бўлишининг тегишли сабаблари ва чуқур илдизлари борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу фожиани келтириб чиқарган сабаблар, жумладан, кўпорувчилик ҳаракатларининг четдан туриб ташкил этилгани, бунга узоқ тайёргарлик кўрилгани, катта маблағ ажратилгани ҳақида гапириш ва кўп-кўп далилларни келтириш мумкин. Бўлиб ўтган суд жараёнларида бу ҳақиқат тўлиқ ўз исботини топди ва халқимиз, жамоатчилигимиз бу масалани атрофлича англаб олди.

Лекин қалбларимизни ларзага солган бу фожиани яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан, юрагимиздан ўтказиб, қайғурар эканмиз, оғир бир савол беихтиёр барчамизни қийнайди: қандай бўлдики, ҳаммамиз, биринчи галда, вилоят раҳбарлари, мана шу юрт ҳаётига, унинг эртанги кунига масъул бўлган шахслар, депутатлар ва фаоллар остонамизга кириб келган бундай бало-қазодан ғофил қолдик?

Бу воқеаларга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида, масъулият ҳақида гапирганда, албатта, турли хулосаларга келишимиз мумкин. Авваламбор, шу масалага мутасадди, масъул ва жавобгар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар — хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот ва милиция органлари ўз сезгирлиги ва ҳушёрлигини йўқотгани, ўз вақтида бундай ёвуз хуружларга тайёргарлик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда ўз куч ва имкониятларини кўрсата олмаганини афсус билан қайд этиш зарур.

Лекин, шу билан бирга, аввало шу заминда яшаётган халқнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор бўлиб, кундалик ҳаётда учрайдиган норозилик ва эътирозлардан хулоса чиқариб, бир сўз билан айтганда, одамларнинг кайфияти ва интилишларини инобатга олган ҳолда сиёсат олиб бориш, аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ечиш, агарки уларни ҳал қилиш қўлидан келмаса, бу масалаларни марказий ҳукумат олдига қўйиш ва охирига етказиш — бу кимнинг вазифаси?

Бу биринчи навбатда шу юртнинг тақдири ишониб топширилган вилоят раҳбарлари, авваламбор, вилоят ҳокимининг вазифаси эмасми?

Минг афсуски, вилоятда 2004 йилгача ишлаган собиқ ҳоким ва бугун шу лавозимда ўтирган С.Бегалиев ўз зиммасига юкланган ана шундай ўта масъулиятли вазифаларни уддалай олмади.

Бугун шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса, ижтимоий соҳаларда жиддий ва кўпол хатоларга йўл қўйилган.

Вилоятда ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмаяпти, улар рўзғорини қандай тебратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош қотирмасдан келган.

Иккинчи масала — эски совет давридаги тушунча ва қарашлар асосида хўжакўрсинга иш қилиш, кўзбўямачиликнинг авж олиши оқибатида вилоят раҳбарлари халқ ҳаётидан, реал воқеликдан узилиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

А.Т.Усмоновни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

С.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябрь.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

13 октябрь куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, аввало, кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган аҳвол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдизларига эътиборни қаратди.

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида рўй берган Андижон воқеалари халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан ташкил этилганини яна бир бор таъкидлади. Бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдаришга қаратилгани бугун барчамизга аён.

Андижон вилоятида содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, вилоятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Андижон вилоятини 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз шу ўринда одамларнинг кундалик ҳаёти ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожи билан боғлиқ баъзи муҳим рақамларга эътиборни қаратди.

Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, чегара ҳудудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Бу вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва ҳунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса, ижтимоий соҳаларда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оиладан қанча одам ишлайди, қанчаси ишсиз, улар рўзғорини қандай тебратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, вилоятнинг мутасадди раҳбарлари бош қотирмаган, деди Президентимиз.

Мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари ўз шартнома мажбуриятларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятида пахта йиғим-терими суръати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Афсуски, бундай ачинарли ҳолат бу ерда кейинги йилларда сурункали тус олмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича давлатга салкам 45 минг тонна пахта хомашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сўм ҳажмидаги даромад бой берилди. Бошқача айтганда, хўжаликлар, умид билан меҳнат қилган одамлар шунча бойликдан маҳрум бўлдилар.

Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссиёти, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмаслик оқибатида вилоятда фермерларнинг ялпи ҳосил миқдоридаги улуши республика бўйича энг паст даражани ташкил этади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Сайдулло Бегалиев Андижон вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Топиболдиев, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Н. Саидов, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ў.Ҳайдаров, Улуғнор туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги раҳбари С.Жўраев, "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори Ё.Одилов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи О.Абдураимов Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш андижонликларнинг бугунги кундаги асосий бурчи ва вазифаси эканини таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Саид ШУКУРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябрь
№ ЎРҚ — 61

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Шартномага қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябрь
№ ЎРҚ — 62

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябрь
№ ЎРҚ — 63

ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ҚАДРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда кўпроқ рақам ва кўрсаткичларни биринчи ўринга қўйиш, уларни асосий дастак қилиб кўрсатиш, лекин бир қаращда юксак натижалар бўлиб кўринадиган бундай ҳолатлар ортида хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, уларнинг қарзга ботиб кетгани, энг асосийси, заҳматкаш деҳқон ўз пешона тери, оғир ва машаққатли меҳнати эвазига қанча даромад оляпти, деган ўта муҳим саволлар четда қолиб кетганини қандай баҳолаш мумкин?

Агарки, ҳоким фақат ўзининг ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини кўзлаш, данғиллама уй қуриш, бойлик орттириш билан банд бўлиб, одамлар кўриб турган қинғир-қийшиқ ишларни худдики сезмасдан юрадиган бўлса, туман ва қишлоқларда кўпчиликни қийнайдиган муаммолар сурункасига ечилмасдан қолаверса, бунинг оқибатида жойларда норозилик пайдо бўлишини гўёки билмагандек юраверса, бундай номаъқул ҳолатлар бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга қарши чиқадиган ғаниморларимиз қўлига бамисоли қурол бериб қўйгандек бўлмайдими? Бунинг натижасида ҳокимиятнинг обрўсига путур етмайдими?

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган колхоз ва совхозларга хос эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Андижондек аҳоли ўта зич яшайдиган катта бир вилоят ҳаётини, унинг харажат ва даромадини ҳисоб-китоб қилиш, эртанги режаларни тузиш, яқин ва узоқ келажакда бу юртнинг истиқболи қандай бўлади, деб бош қотириш, кўпчиликни ана шундай мақсадлар сари сафарбар қилиш ишлари, минг афсуски, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Шу борада кўп марта айтилган бир гапни яна такрорлашга тўғри келади. Ахир, ўзингиз ўйланг, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Андижонда ҳам ер кўпаймаса, сув кўпаймаса, аҳоли тез суръатлар билан ўсиб бораётган бўлса, нималарнинг ҳисобидан тирикчилик қиламиз, нималарнинг ҳисобидан одамларни боқамиз?

Бугун ҳаётнинг ўзи кескин қилиб ўртага қўяётган мана шундай ўткир саволларга жавоб излаш, ўз ерида меҳнат қилиш, ўзи ва оиласи учун даромад топиш мақсадида бутун имкониятларини, ақл-заковати ва куч-қувватини сарфлашга тайёр бўлган одамларга йўл очиб бериш ўрнига эски тизим, эски ишлаб чиқариш усулларидан ҳали-бери халос бўлолмаган, бизларга бўлаверади, деб, янгиликка, ислоҳотларга қарши турган раҳбарлар аслида умумий давлат сиёсатига қарши чиқаётганини ўзи англайдими, йўқми?

Вилоятда илдиз отган яна бир нохуш ҳолат борки, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақда гапиришга мажбурмиз. Бу ерда билимли ва истеъдодли ёшларга, ташаббускор ва изланувчан, ўз мустақил фикрига эга бўлган кадрларнинг ўсиб-улғайишига йўл бермаслик билан боғлиқ кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин.

Мана шундай ҳолатлар охир-оқибатда вилоятда маънавий муҳитнинг бузилишига, носоғлом қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари, мутасадди шахсларнинг аҳоли орасида бузғунчи ғояларни тарқатиш билан шуғулланган "Акромийлар", "Ҳизбут-таҳрир" каби зарарли оқимлар вакилларини кўриб-кўрмасликка олгани, бу масаладан ўзини қандайдир четга тортиб, уни фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши деб қараб келгани ҳам буни тасдиқлайди.

Надоматлар бўлсинки, "Сен — менга тегма, мен — сенга тегмайман" деган ана шундай кайфият билан томошабин бўлиб яшаш қандай фожиали оқибатларга олиб келишини Андижон воқеалари мисолида ҳаммамиз кўрдик ва бунинг жабрини тортдик.

Қадрли юртдошлар!

Андижон вилоятида содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, пароканд аликка йўл қўймаслик, вилоятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ислоҳотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу борада айниқса "Андижон вилоятини 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, авваламбор, одамларнинг кундалик ҳаёти ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожи билан боғлиқ баъзи бир рақамларни олиб келсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, чегара ҳудудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани аҳолининг оғирини енгил қилиш, йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш масаласига катта ҳисса қўшди.

Энг муҳими, бу ишларнинг асосий қисми биринчи навбатда ушбу соҳалар учун масъул бўлган вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва компаниялар томонидан бажарилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Андижон заминида истиқомат қилаётган қарийб 2 миллион 400 минг аҳолининг 55 фоизи, яъни ярмидан кўпи меҳнатга лаёқатли бўлиб, бу ўз навбатида одамларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Ўтган йили Андижон вилоятининг чегара ҳудудида жойлашган туманларидаги кам таъминланган оилаларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун аниқ мақсадли микрокредитлаш дастури қабул қилиниб, амалга оширилганидан ҳам, ўйлайманки, кўпчилигингиз хабардорсиз.

Ана шу дастур доирасида 2006 йилнинг бошида 4 мингдан зиёд оилага жами 2,5 миллиард сўмлик микрокредит берилди, 9 минг 300 та, жумладан, аёллар учун 4 минг 700 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида аҳоли учун 1 миллиард 105 миллион сўм даромад олиш имконини берди.

Бу борада яна бир муҳим ҳукумат дастурини, яъни "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бўйича амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Шуни айтиш керакки, бу қарор, биринчидан, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида янги имкониятлар туғдирмоқда.

Иккинчидан, хонадонлардаги ортиқча ишчи кучини меҳнат билан банд қилиш ва улар учун барча ишчи-хизматчилар қатори меҳнат дафтарчаси очиш, пенсия дафтарчасига эга бўлиш, пенсия бадалларини жамғариб бориш каби қонуний ҳуқуқлардан фойдаланишга кенг йўл очиб бермоқда.

Бугунги кунда тўрт мучаси соғ, куч-ғайрати бор, энг муҳими, меҳнат қилишга иштиёқи ва интилиши бўлган одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳукуматнинг, барча бўғиндаги давлат идораларининг асосий вазифаси бўлиши керак. Биз амалга ошираётган дастурлар ва чора-тадбирлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга қаратилиши зарур.

Ушбу қарорга мувофиқ, 4 минг 900 га яқин оилага қорамол сотиб олиш учун қарийб 3 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 9 ойи давомида ҳомийлар ҳисобидан 3 минг 390 та кам таъминланган оилага бепул сигир тарқатилди.

Вилоятда аҳоли даромадларининг ўтган йилга нисбатан 30 фоизга, жон бошига олинган даромадлар миқдори эса 28 фоизга ўсганини одамлар ҳаётида бўлаётган ана шундай ижобий ўзгаришлар натижаси сифатида қабул қилишимиз керак.

Ўтган йили банклар томонидан вилоятдаги 40 та саноат корхонасига 3 миллиард 800 миллион сўм ва 8,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит берилгани, шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса вилоятда жойлашган енгил саноат корхоналарига 6,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилингани янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солишга хизмат қилди.

Шулар қаторида "Навоий" ва "Антекс" акциядорлик жамиятлари, "Инвесттекс", "Олтинкўл" ва "Булокбоши хаулуд" қўшма корхоналарининг чет эл инвестициялари ҳисобидан ишга туширилиши вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Буларнинг барчаси Андижондаги ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш, шу тариқа одамларни иш ва доимий даромад манбаи билан таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини кўрсатади.

Яна бир муҳим масала — ижтимоий тўловлар масаласини оладиган бўлсак, шу йилнинг олти ойида пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчилар учун 62,6 миллиард сўм маблағ сарфлангани, вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга 8,5 миллиард сўм, 2 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул оналарга эса 6,7 миллиард сўм нафақа тўланганини таъкидлаш лозим.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаниш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилгани тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 15 та тиббиёт муассасасида капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари якунига етказилди, уларнинг 30 тасида эса бундай ишлар давом эттирилмоқда.

Айниқса, Андижон давлат тиббиёт институти шифохоналари Япония ҳукуматининг гранти асосида берилган 87 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан таъминлангани алоҳида эътиборга молик.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва ҳунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Албатта, бундай ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин шу ўринда табиий бир савол туғилади: мавжуд социал-ижтимоий аҳволни яхшилаш ва тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун вилоят раҳбарияти томонидан нега ўз вақтида зарур чоралар кўрилмади? Нега шу аҳволга қараб, қўл қовуштириб ўтириш керак? Қани, айтинглар, мана шундай муҳим масалаларни ҳал қилиш учун кимдир тепадан туриб албатта туртки бериши, ҳайфсанлар билдириши ва раҳбарларнинг қулоғидан тортиб туриши керакми? Вилоятда бундай иш услубининг табиий ҳолга айланиб қолганига чидаш мумкинми ўзи?

Барчангизга яхши маълумки, вилоятнинг собиқ ҳокими Қ.Обидов вазифасидан озод қилинганидан кейин Андижон вилоятида униб-ўсган, кўпгина масъулиятли лавозимларда тажриба орттирган, жумладан, Тошкент вилоятида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида раҳбарлик вазифаларида ишлаган Сайдулло Бегалиевга биз мавжуд муаммоларни ҳал қилишга билим ва тажрибаси етади, деб катта ишонч ва умид билдирган эдик.

Бу одам катта-кичик раҳбарлар ва жамоатчиликни ўз атрофида бирлаштиради, қатъият ва талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатади, бир сўз билан айтганда, вилоятдаги вазиятни тубдан ўзгартиради, турли-туман қинғир ва нопок ишларга барҳам беради, деб ишонч билдиришга асосимиз бор эди. Шуни ҳам айтиш керакки, янги раҳбарга бу йўлда керакли ёрдам, кўмак ва маслаҳат бериш ҳеч ким четда тургани йўқ.

Лекин бугун бир ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз: С.Бегалиев бу лавозимга келиши билан вилоятдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш бўйича бирон-бир амалий дастур ёки ташаббус билан чиққани йўқ.

Аксинча, у мавжуд аҳволни ўнглаш, вилоятда изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини жонлантириш, бу соҳа вакилларини ҳар қандай зўравонлардан ҳимоялаш, одамларга ижобий таъсир ўтказиш масаласида заиф эканини кўрсатди.

Вилоятнинг собиқ раҳбарияти даврида шаклланган ярокисиз иш услубини ўзгартириш, маънавий муҳитни яхшилашга унинг қурбиқудрати, энг муҳими, талабчанлик ва қатъияти етмаганини бугун кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, С.Бегалиев вилоятга раҳбарлик қилган даврда илгариги хўжакўрсинлик, дабдабали рапортлар бериш, бўлаётган ишларни бўяб кўрсатиш, мақтанчоқлик ҳолатларига чек қўйиш ўрнига, ўзини яхши кўрсатиш учун сохта маълумотлар ва кўпиртирилган ахборотлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида "Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигида имплементация қилиниши" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

У парламент қуйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида, БМТ Тараққиёт Дастурининг "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" лойиҳаси иштирокида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, республикамизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турли соҳаларда эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган. Хотин-қизлар ҳуқуқига доир қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг энг устувор жиҳатларидан бирини ташкил этади. Зеро, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини, ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида — 39, илм-фанда — 37, соғлиқни сақлашда — 73, халқ таълимида — 59 дан 70 фоизгача хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 84 фоизи ўрта ва олий маълумотга эга. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида — 18 фоиз, Сенатда эса 15 фоиз аёл фаолият олиб бораётир. Бундан ташқари, шу кунгача хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 22 та қонуни, 11 та Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 22 та қарори ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк дамларидан бошлаб хотин-қизлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш халқаро жараёнига фаол қўшилди. Хусусан, 1995 йилданоқ Хотин-қизлар аҳволи бўйича Бутунжаҳон IV Пекин конференциясида иштирок этиб, Пекин Фаолият дастури ва Платформасини имзолади. Шу йилнинг ўзидаёқ Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб, БМТ даражасида назорат қилинадиган "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам беришга оид конвенцияси — CEDAW", "Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлари бўйича конвенция" ва "Оналикни муҳофаза қилиш конвенция"сига жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва демократик тараққиётни танлаган аъзоси сифатида қўшилди. Шундай бўлса-да, тадбир иштирокчилари қайд этганларидек, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараён изчиллик билан давом эттирилиши зарур.

Шунингдек, семинарда "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси иш режасида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга оид ташаббуслари, тайёрланаётган қонун лойиҳаларига эътибор қаратилди. Жумладан, "Аёллар репродуктив ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, Меҳнат кодексининг гендер экспертизасини ташкил этиш, амалдаги ҳужжатларга аёллар ҳуқуқларига оид ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган аёллар ва болаларга оид халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш каби масалалар бўйича мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

Зиёда АШУРОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Битта гап

Юрий Петрович МАТУШКИН,
Урал Савдо-саноат палатаси президенти:

— Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятли давлат эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ташрифимиз россиялик тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очиб беришига ишонч ҳосил қилдим. Икки давлат тадбиркорларининг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва янги компанияларни ташкил этиш борасидаги аниқ таклифлар сафаримизнинг самарали якун топишига замин яратди.

ЎЗБЕКИСТОН — ОТБ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ 10 ЙИЛИ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Осиё тараққиёт банки Марказий ва Ғарбий Осиё давлатлари минтақавий бўлими раҳбари Хуан Миранда қатор вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Иқтисодиёт вазирлигида ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги алоқаларнинг жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларида мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан экани қайд этилди.

Ташриф якунлари юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида меҳмон Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этди. Юртимизда хорижлик ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит яратилгани, бу борада ишлаб чиқилган тегишли қонуний асосларга юқори баҳо берди.

Осиё тараққиёт банки 1996 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларига сармоя киритиш орқали амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. ОТБ жами 23 лойиҳа учун умумий қиймати 974,9 миллион доллар лик маблағ ажратди. Бунинг 30,4 фоизи таълим, 26 фоизи табиий ресурсларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига қаратилган. Сармоянинг 26 фоизи сув таъминоти, санитария, транспорт ва коммуникация соҳаларига, 17,6 фоизи соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, молия, саноат ва савдо, энергетика тармоқларига йўналтирилган. ОТБ, шунингдек, Ўзбекистонга умумий ҳажми 33 миллион доллар лик 65 техникавий ёрдам гранти ажратган.

Осиё тараққиёт банки жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган стратегия ва дастурни тасдиқлади. Мазкур дастур иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Дастур доирасида ўндан зиёд лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ ВА ШЕРИКЛИК

Тошкентда халқаро арбитражнинг асосий тамойиллари ва уни Ўзбекистонда жорий этиш истиқболларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир "Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда дунёдаги етакчи халқаро арбитраж марказлари тажрибасини ўрганиш, Ўзбекистонда халқаро тижорий арбитраж судини тузишнинг зарурати ва истиқболлари, шунингдек, ушбу институт фаолиятининг қонунчилигимизга мувофиқ бўлишини таъминлашга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Иштирокчилар халқаро тижорий арбитражнинг асосий қирралари ва унинг халқаро савдо ва сармоявий ҳамкорликдаги ўрни, халқаро тижорий арбитражда баҳсларни ҳал этишнинг долзарб масалаларини муҳокама этдилар. Мамлакатимизда тижорий арбитражни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов таъкидлаганидек, Ўзбекистон хўжалик суди тизими қарорларининг хорижда амал қилишининг чеклангани юртимизда халқаро тижорий арбитраж ташкил этишни тақозо этмоқда. Қонунга мувофиқ, қарор хорижий компания фойдасига ҳал этилса, у Ўзбекистон ҳудудида зудлик билан ижро этилади. Агар чет эл компанияси баҳсда мағлубиятга учраса, у ҳолда қарорнинг хорижда мажбурийлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлади. Шу билан бирга, давлат судлари қарорларининг ижро этилиши ва тан олиниши механизми махсус халқаро ижтимоий шартномалар билан мувофиқлаштирилади.

Айни пайтда Ўзбекистон хўжалик судлари тизими қарорларининг чет элда тан олиниши билан боғлиқ муаммолар туфайли мамлакатимизнинг хўжалик субъектлари баҳсли масалаларни ечиш учун хорижий арбитражларга мурожаат қилишига тўғри келмоқда. Айни пайтда қўшимча сарф-харажатларни талаб қилгани боис арбитраж муҳокамаларида қатнашишни муайян даражада қийинлаштиради. Бу эса кўп ҳолларда Ўзбекистон корхоналари ҳақ бўлганида ҳам, уларнинг манфаатларига зид қарорлар чиқарилишига олиб келади.

Германия техникавий ҳамкорлик агентлиги вакили профессор Рольф Книпернинг таъкидлашича, бугунги кунда халқаро арбитраж хўжалик субъектларининг, турли мамлакатларда жойлашган тижорат корхоналарининг баҳсли иқтисодий масалаларини ечишдаги муҳим воситалардан бирига айланган. Бунда муаммоли масала кўриб чиқиш учун сайланган ёки тайинланган арбитрга ҳавола этилади. Халқаро тижорий арбитражда масалаларнинг тезда кўриб чиқилиши ва қабул қилинадиган қарорларнинг якуний эканлиги эътиборга моликдир. Унинг ишида баҳслашаётган субъектлар розилиги билан учинчи мустақил томон ҳам қатнашиши мумкин.

Анжуманда шу каби масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

(ЎзА).

Бугунги глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситалари аҳоли орасида ижтимоий фикр уйғотиш борасида қандай ўрин тутади? Ахборот муҳитининг тезкор ривожи шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг қандай йўналишлари мавжуд?

МУҲАРРИРЛАР ТЕСТ ТОПШИРИШДИ

Шу ва шу каби саволларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича аксилтарғибот соҳасида фаолият юритувчи журналистлар учун белгиланган махсус ўқув курсида мамлакатимиздаги асосий марказий нашрлар, вилоят газеталари бош муҳаррирлари бир ҳафта давомида жавоб изладилар.

Машғулотларда сиёсатшунослик ва иқтисодиёт соҳасидаги таниқли олимлар, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, амалиётчилар иштирок этишди. Бош муҳаррирлар мазкур ўқув давомида ўз ишларига танқидий назар ташлаш, бугунги ахборот майдонида зиммаларига юклатилган вазифаларни яна бир бор ҳис қилиш, бу борада ўтказилган давра суҳбатларида янги таклиф ва мулоҳазаларни баён этиш имконига эга бўлдилар.

— Бир ҳафта мобайнида шу пайтгача ўзимиз яхши хабардор бўлмаган катта маълумотга эга бўлдик, — дейди Самарқанд вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев. — Мақсадимиз ана шу билимларни жойларда ҳамкасбларимизга етказиш, ўз ишимизнинг давр олдимизга қўйётган вазифалар асосида қайта кўриб чиқишдир.

Ўқув якунида бош муҳаррирлар белгиланган мавзу бўйича тест синовидан ўтишди.

Террорчи айбига иқрор бўлди

Олдин хабар берганимиздек, Шимолий Кореяда ядро бомбасининг синовдан ўтказилиши бутун дунёда кескин хавотир билан қарши олинди.

Террорчиликда гумон қилинаётган Дирен Барот Лондон судида ўзига нисбатан қўйилган барча айбларни бўйнига олиб, гувоҳлик берди. У 2000-2004 йилларда Нью-Йорк фонд биржасини портлатиш режасини ишлаб чиқишда фаол қатнашган. Бундан ташқари, Дирен Барот Буюк Британия ҳудудида ҳам бир неча портлашларни амалга оширишга тайёргарлик кўрилганини маълум қилди. Барот террорчилар оламида Исси ал-Хинди номи билан фаолият юритиб келган ва Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг бош қароргоҳини портлатиб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини айтган.

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идораларининг маълумотларига кўра, террорчилар «Газли лимузин режаси» номи остида бир пайтнинг ўзида Лондондаги оммавий жойларда бир неча машиналарни портлатиб юборишга ҳаракат қилишган.

Эслатиб ўтамиз, Дирен Барот 2004 йил 26 август куни аксилтеррор операцияси пайтида қўлга олинганди.

Келишувга эришилмади

«Франс пресс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Япония Вазирлар Маҳкамаси биринчиларидан бўлиб, Шимолий Кореядан импорт қилинадиган маҳсулотларга чеклов эълон қилди. Бундан ташқари, мазкур давлатнинг кемалари ҳам Япония сув ҳудудидан ўтишига рухсат этилмайди ҳамда Шимолий Корея фуқаролари кунчиқар мамлакатга киритилмайди.

Япония ҳукумати бош котиби Ясухиза Сиодзакининг айтишича, Шимолий Кореяга нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгашида резолюция лойиҳаси қабул қилинмасдан туриб, расмий Токио мустақил тарзда санкция қўллашни бошлаган. Буни шарҳловчилар яқиндагина ҳукумат тепасига келган бош вазир Синдзо Абэнинг қатъий сиёсати, дея баҳолашмоқда.

Россия ва Хитой ҳозирча АҚШ томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган санкция резолюциясининг баъзи бандларига қарши чиқишмоқда. Хусусан, санкция резолюциясининг 7-бандида масала ҳарбий йўл билан ҳал қилинишига Хитой ўз норозилигини билдирди.

Пайшанба куни БМТда АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия, Франция ва Япония дипломатларининг ёпиқ эшиклар ортида ўтган учрашувидан сўнг америкалик дипломат Жон Болтон санкция лойиҳасининг баъзи бир бандлари юзасидан турли қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, олдинга силжишга эришилганини билдирди.

Ю. БЎРОНОВ.

Инвестиция ҳажми ошмоқда

Россияда 2009 йилга бориб чет элдан кириб келаётган инвестициялар ҳажми 264,9 миллиард долларга етади. Бу ҳақда мамлакат молия вазири Алексей Кудрин РИА «Новости»га интервью берди. Вазирнинг сўзларига қараганда, 2005 йилда Россиянинг ички ва ташқи инвестицияси 124 миллиард долларни ташкил қилган. Агар бу рақамлар бир-бирига солиштирилса, 2009 йилда инвестициялар ҳажми қарийб икки баробарга ортади. Жорий йилда бу кўрсаткич 158,5 миллиард доллар, 2007 йилда 195,8 миллиард доллар, 2008 йилда эса 229,8 миллиард долларга етиши кутилаяпти.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Ҳизбаллоҳ»ни ким молиялаштирган?

Мексика прокуратураси АҚШ сўровига биноан мамлакатдаги бир қатор компания ва фирмалар фаолиятини текширишни бошлади. АҚШ ҳукумати мексикалик тадбиркорлар Ливаннинг «Ҳизбаллоҳ» гуруҳини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётганликда гумон қилмоқда. Мамлакат бош прокуратураси вакилининг матбуот анжуманида қайд этишича, текширув тақдим этилган ҳужжатлар асосида АҚШ Давлат департаменти ҳамда ФКБ билан ҳамкорликда амалга оширилади.

АҚШ ҳукумати бу маълумотларни разведка хизмати орқали қўлга киритган. Америка махфий хизматининг тахминича, Мексиканинг бир қатор гигант компаниялари катта миқдордаги маблағни «Ҳизбаллоҳ»нинг хориждаги банк ҳисоб-рақамларига кўчирган.

«ХАМАС» сўзидан қайтди

«ХАМАС» ҳаракати етакчиларидан бири, ҳозирда Сурияда қочқинда юрган Халид Машал гуруҳ Исроил давлатини тан олмаслигини ҳамда Фаластиннинг 1967 йилдаги чегараларида мустақил давлат тузишга ҳаракат қилинишини билдирди.

Маҳмуд Аббос ва «ХАМАС» ўртасида коалицион ҳукумат тузиш борасида ҳаракатлар бораётган бир пайтда мазкур баёнотнинг янграши мухториятда вазиятни янада чигаллаштириши мумкин.

Португалияда норозилик намойишлари

Португалиялик бир неча ўн минглаб давлат ишчи-хизматчилари Лиссабон кўчаларига чиқишиб, ҳукумат томонидан ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга қарши норозилик намойиши ўтказмоқдалар. Намойишчилар ислоҳотлар уларнинг иш ҳақи ва пенсиясига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирда.

Португалия ҳукумати босқичма-босқич пенсия ва соғлиқни сақлаш тизимига бериладиган имтиёзларни бекор қилиб бормоқчи. Бундан ташқари, солиқ юкини кўтариб, иш ҳақларини мавжуд инфляцияни эътиборга олмасдан оширмоқчи.

Полиция маълумотларига қараганда, мамлакат парламенти — Миллий Ассамблея биноси олдида ўтказилган намойишда 70 минг киши иштирок этган. Касаба уюшмаси вакилининг маълум қилишича, яна камида 100 минг давлат хизматчилари мазкур намойишга қўшилиши мумкин.

Аввал хабар берганимиздек, 17-19 октябрь кунлари узоқ Санто-Доминго шаҳрида кураш бўйича 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида IV Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Чемпионат иштирокчилари аниқ

Унда эркаклар 60, 66, 73, 81, 90, 100 килограммгача ва мутлоқ вазнда, аёллар эса 48, 52, 57, 63, 70, 78, 87 ва +87 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқадилар.

Чемпионатда юртимиз шарафини Элбек Очилов (60 кг), Суҳроб Худойбердиев (66 кг), Шерали Жўраев (90 кг), Ботир Қобилов (100 кг) ва мутлоқ вазнда Фазлиддин Мелиев ҳимоя қилади. Аёллар мусобақасида Машҳура Мавлонова мутлоқ вазнда мамлакатимиз номидан гиламга чиқади.

Ўз мухбиримиз.

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 6 октябрдаги 22-06.03 сонли ажрими билан

«Хонқа ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикаси» МЧЖга

(СТИР 204629275) нисбатан кузатув жорий қилинди.

Муваққат бошқарувчи вазифасига Казаков Бахтияр Камбулович тайинланди.

2006 йил 1 ноябрда «Хонқа ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикаси» МЧЖ биносида кредиторларнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. **Кузатувчининг корхона молиявий аҳволининг таҳлили бўйича ахбороти.**
2. **Қарздорга қўлланиладиган банкротлик таомилини белгилаш ва хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида.**

Иш 2006 йил 10 ноябрь соат 11.00 да «Хонқа ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикаси» МЧЖ биносида хўжалик судининг очиқ сайёр мажлисида кўриб чиқилади.

Манзил: Хоразм вилояти, Хонқа тумани, О.Бобожонов кўчаси, 1-уй.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2006 йил 14, 21, 28 ноябрь кунлари Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида соат 11.00 да аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда:

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шоҳрухобод кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган «Улуғбек» акциядорлик жамиятининг ташқи бошқарувчиси томонидан тақдим этилган «Улуғбек» акциядорлик жамиятига тегишли мол-мулклар (мулкий мажмуа сифатида) очиқ аукцион савдоларига чиқарилади.

Бошланғич баҳоси — 1 086 000 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 1 фоиз миқдорида закалат пулини «KAFOLAT RIELT» МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-70.

Халқ банки:

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ШАРОФАТИ

Халқимиз орасида «Оила банки» деб эътироф этилаётган Халқ банки филиаллари банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва уни янада эркинлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш орқали мижозларнинг банкга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ўз нуфузини янада ошириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу банкнинг иқтисодий кўрсаткичлари мунтазам равишда ортиб боришига замин яратмоқда. Хусусан, банк капитали, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 17,0 млрд. сўмни, банк активлари қарийб 190,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш ва нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, банк бўлимлари кассаларига 500,0 млрд. сўмдан ортиқ нақд пул маблағлари кирим қилинди ёки нақд пул тушуми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,2 баробар ортди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида берилишини таъминламоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида 39,0 млрд. сўм пенсия тўловларига, 202,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ нафақа ва ёрдам пулларига ҳамда 23,0 млрд. сўм бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини тўлашга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Халқ банки филиаллари биринчи даражали тўловларни бугунги кунда ҳар ойнинг 25 санасига қолдирмасдан берилишига эришмоқда. Бунинг асосий манбаларидан бири — аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ишининг тўғри йўлга қўйилганлиги бўлмоқда. Мисол учун, аҳоли учун қулайликларга эга бўлган «Матонат», «Маҳалла фидойилари», «Даромад манбаи», «Ҳамкор», «Ташаббус», «Оила манфаати», «Имкон», «Оила манфаати-1», «Самара», «Ташаббус-1», «Тадбир» каби янги омонат турлари амалиётга жорий этилди. Қисқа муддат ичида эса мазкур омонат турларига омонатчиларнинг 35,0 млрд. сўмга яқин бўш пул маблағлари жалб қилинди.

Нақд пул маблағларининг банк кассаларига тушумини янада ошириш мақсадида мижозларга қулай бўлган янги хизмат турларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадда янги «Револьвер» кредити амалиётга татбиқ этилди. Унинг афзаллиги шундаки, эндиликда газ ва нефть маҳсулотларининг савдоси билан шуғулланадиган 100 га яқин хўжалик юритувчи субъектлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ушбу кредит туридан фойдаланиб, ўз айланма маблағларини оширган ҳолда, олинган кредитни кунлик нақд пул тушуми ҳисобидан қоплаб келмоқдалар.

Банк муассасаларига жалб қилинган аҳолининг бўш пул маблағлари эса иқтисодиётнинг реал секторига, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда ернинг ҳақиқий эгалари — фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Шунингдек, банк кредит портфели 62,0 млрд. сўмга ортиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, салкам 90,0 млрд. сўмга етди. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали халқ истеъмоли молларини тайёрлаш йўналишларидаги лойиҳаларга 10,0 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Энг асосийси, жойларда ажратилган кредитлар эвазига 5000 га яқин маҳаллий ёшлар иш ўринлари билан таъминландилар.

Фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини кенгайтиришда молиявий лизинг хизматларидан фойдаланиш, айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналарига жуда маъқул келмоқда. Шуни инобатга олиб, Халқ банки филиаллари томонидан фермер хўжаликларига 1 млрд. сўмга яқин лизинг хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, банк филиаллари томонидан 2006 йилда пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 10000 га яқин фермер хўжаликларига 50,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Улар бугунги кунда мазкур тармоқларда ижобий ютуқларга эришмоқдалар.

Айни чоғда банк филиаллари шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорва молларини боқишни рағбатлантирувчи кредитларни ажратиш орқали истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳам замин яратмоқдалар. Хусусан, жорий йилда Халқ банки томонидан 6 мингдан ортиқ фуқароларга 4,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар сифатида берилди.

Аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор буюмларини банк микрокредитлари ҳисобига харид қилиб бериш амалиётлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда банк томонидан жисмоний шахслар учун узоқ муддат фойдаланиладиган, асосан республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилишга 7 турдаги истеъмол кредитлари татбиқ қилиниб, ушбу йўналишга 25,0 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилди.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш масаласи ҳам эътиборда турибди. Ўтган даврда муомалага 65000 та пластик карточка эмиссия қилинди. Жойларда 819 та, шу жумладан, банк муассасаларида 217 та ва савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида 602 та терминал ўрнатилиб, пластик карточкалар орқали 4,5 млрд. сўмлик 122 мингдан ортиқ тўловлар (транзакция) амалга оширилди.

Ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан эса, фермер хўжаликларига айлантириладиган собиқ ширкат хўжаликлари ҳудудларида Халқ банки томонидан жорий йилда 22 та мини банк очилди. Ҳозирда банкнинг 215 та мини банки қишлоқ жойларида фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатаяпти.

Маълумки, республикамизда амалдаги пенсия тизими ислоҳ қилиниб, фуқароларга ўз келажагига бугундан пойдевор яратиш имкониятларини берувчи «Жамғариб бориладиган пенсия тизими» жорий этилди. Кўп тармоқли Халқ банки, Президентимиз Фармонига асосан, ушбу тизимнинг асосий иштирокчиларидан бири этиб белгиланди. Ўтган муддат ичида хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат қилаётган 4,6 млн. дан ортиқ фуқаролар мажбурий ва 70 мингга яқин фуқаролар ихтиёрийлик асосида ушбу тизимнинг аъзолари бўлишди. Халқ банки филиалларида ҳар бир иштирокчига алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилган бўлиб, уларга ўтказилган маблағлар миқдори 40,0 млрд. сўмга яқинлашиб қолди. Ушбу маблағлар даромад келтирувчи активларга жойлаштирилган. Олинган даромад эса ҳар бир иштирокчининг ҳисоб рақамидаги қолдиғи бўйича инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромад ҳисоблашга йўналтирилмоқда. Бу жараён банк раҳбарияти томонидан қатъий назоратга олинган.

Халқ банки жамоаси бундан буён ҳам аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга замонавий банк хизматларини кўрсатиш йўлида астойдил меҳнат қилаверади.

И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтиришда тижорат банкларининг роли беқиёс. Хусусан, акционерлик тижорат «Пахтабанк»ининг Фарғона вилояти бошқармаси сўнгги йилларда бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.

ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ – МЕЗОН

Маълумки, банк хизматидаги асосий кўрсаткичлардан бири — мижозларга бериладиган кредитлар ва кредит қўйилмалари ҳисобланади. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида кредит қўйилмалари қолдиғи 66 миллиард сўмдан ортди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 21,4 фоиз, икки йил аввалгидан 81 фоиз кўпдир. Айни чоғда ажратилган кредитлар миқдори 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 баравар ошди, ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан эса 17 миллион сўмга кўпайди.

Худди шундай ижобий сальдони «Пахтабанк»нинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг савияси ҳамда турлари ортиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Чунки хизмат кўрсатиладиган мижозларнинг кўпчилигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ корхоналар ва хўжаликлар ташкил этади. Шу боис давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи мижозларга жорий йилда пахта харажатларини молиялаштириш учун салкам 31 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Ваҳоланки, бундан атиги икки йил аввал шу мақсадларга бор-йўғи 6,2 миллиард сўм, ўтган йили эса 24,7 миллиард сўм маблағ берилган эди.

Айнан шундай манзара ризқ-рўзимиз бўлган ғалла етиштиришни молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар салмоғининг ўсиш даражасида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, жорий йилда имтиёзли кредитлар 2004 йилдагига нисбатан 18 баравар, 2005 йилдагига нисбатан эса 5 баравар ортди. Натижада 2006 йилда вилоят бўйича ҳар гектар майдондан 52 центнердан бошоқли дон йиғиштириб олинди.

Шуниси эътиборлики, вилоятнинг аграр сектори тармоғида дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда молиявий қўллаб-қувватлаш хизматлари жорий этилаяпти. Лизинг хизмати кенг қулоч ёйиб, бу ўзига хос усул фермер ва ширкат хўжаликларига тобора кўпроқ татбиқ этилаётгани шундан далолат беради. Мисол учун, шу йилнинг 9 ойи мобайнида техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун салкам 3 миллиард сўм кредит ажратилди, яъни бу борадаги хизмат кўрсатиш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 100 баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда таъминот корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам катта аҳамият касб этаяпти. Чунончи, вилоят микёсидаги «Агромашсервис» ва «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналари банкнинг ишончли ҳамкорлари ҳисобланади. Биргина «Агромашсервис» корхоналарига техника воситалари ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун салкам 4 миллиард сўм миқдорида факторинг ва кредит хизматлари кўрсатилди. Бу 2004 йилдаги натижадан тўрт марта, ўтган йилги кўрсаткичдан 2,5 баравар ортиқдир.

Хабарингиз бор, аввалларида фермер ва ширкат хўжаликларига минерал ўғитлар ва бошқа турдаги препаратлар етказиб беришда узилишлар, муаммолар мавжуд бўлар эди. Сабаби, маблағ етишмас эди. Мана, икки йилдирки, таъминотчи корхоналарнинг ўзига кредит ва факторинг хизмати кўрсатилаяпти. Биргина шу йилнинг ўзида «Қишлоқхўжаликкимё» тармоғига 2,8 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Бундан ташқари, бу соҳага Осиё Тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган 450 миллион сўмлик кредитдан ҳам банкнинг 60 дан зиёд мижозлари баҳраманд бўлди.

Банкни мижозларга яқинлаштириш, уларга тез, сифатли ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида жойларда мини банклар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мини банклар сони 2004 йилда 26 тани ташкил этган бўлса, бу йил 71 тага етди. Мини банклар хизматидан фойдаланаётган фермерлар сони эса 5928 тага ортди.

Вилоят банкининг Янгиқўрғон филиалига қарашли «Доимобод» мини банки шу кунгача фермер хўжаликларини салкам 40 миллион сўм нақд пул билан таъминлади. Банкнинг Тошлоқ филиалида эса яна бир янгиликка қўл урилди. Туман пахтазорларида бежирим этикли, нилий рангли кийим кийиб, кўкрагига «Банк хизматчиси» деган нишон таққан ходимларни тез-тез учратиш мумкин. Улар фермерларни, теримчиларни банкка қатнашдек юмушдан озод қилмоқдалар. Негаки, теримга ажратилаётган нақд пул банк ходимлари томонидан бевосита даланинг ўзига етказиб берилаяпти.

Банк фақат аграр соҳага хизмат кўрсатиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб вилоятда «Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси» ташкил этилди. Мана, икки йилдирки, бу жамғарма самарали фаолият олиб бораяпти. Агар ўтган йили жамғарма ҳисобидан 88 та кичик бизнес субъектига имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу имтиёздан фойдаланаётган мижозлар сони 110 нафарга етди. Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларига бошқа кредит маблағлари ҳисобидан 2,2 миллиард сўмга яқин кредит ажратилиб, бу маблағнинг 1,3 миллиард сўми банкнинг ўз даромадлари ҳисобидан берилди.

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам банк мутасаддиларининг диққат марказида турибди. Мисол учун, биргина касаначилик йўналиши бўйича ажратилган кредитлар туфайли қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган ҳунарманд ва тадбиркорлардан 1134 нафари ўзларининг доимий, хомашё ресурслари билан таъминланган иш ўринларига эга бўлди.

Яна бир гап. Кейинги вақтларда кундалик муомаламизда «Истеъмол кредити» деган атамани тез-тез ишлатиш одат тусига кирди. Чунки бу кредит тури тез оммалашиб бораётир. Буни ипотека кредити салмоғи аввалги йилдагига нисбатан 71 фоизга ўсиб, яна қўшимча 416 миллион сўмлик истеъмол кредити ажратиш имконияти туғилганлиги исботлаб турибди.

Банк мижозлари ва аҳолининг кенг қатлами, иқтисодчилар тили билан айтганда, «Банк — бу даромадлар уйи» эканлигини тобора яхши англаб етмоқда. Яъни, фуқаролар бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилганларида ҳар икки томон ҳам манфаат кўраётганлигини тушунмоқдалар. Жорий йилда аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига қўйиш суръати 2004 йилдагига нисбатан тенг баравар, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 286 миллион сўм кўпайиб, жами салкам 6 миллиард сўмни ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Бу маблағлар бевосита иқтисодиётимизни ривожлантиришга, шунингдек, банк ресурсларининг муттасил ошиб боришига хизмат қилаяпти.

«Ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч билан иш юритиш» — бугунги кунда акционерлик тижорат «Пахтабанк»ининг Фарғона вилояти бошқармаси, шаҳар ва туманларидаги филиаллари жамоаларининг шиорига айланган бўлиб, улар шу асосда меҳнат қилмоқдалар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР ЖАМОЛИ

Ўзбекистонда замонавий бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш жараёнлари жадал бормоқда.

Россиянинг таниқли «ТБМ» компаниясининг Ўзбекистондаги «TBM-TOSHKENT» филиали мутахассислари биноларнинг архитектурасини, уларни қуриш ва реконструкция қилишни замонавий стандартлар ва янги инновацион ечимларга асосланган ҳолда амалга оширмоқдалар. Дастлаб улар республикамиз қурилиш комплексидаги мавжуд аҳволни ўрганиб чиққач, ҳозирги вактда ҳам айрим йирик қурилиш корхоналари 15-20 йил аввалги стандартлар бўйича ишлаётганлари маълум бўлди. Шуларни эътиборга олган ҳолда, «ТБМ» компанияси эшик-дераза ишлаб чиқарувчиларни янги давлатлараро стандартлар билан таъминлаб туришга қарор қилди. Бундай стандартлар билан тайёрланган буюмлар бино тарҳига янада кўркамлик ва гўзаллик бахш этади. Буни Ўзбекистон Архитектура-қурилиш давлат қўмитаси ҳам тан олганки, архитекторлар, бино лойиҳачилари ва қурувчилар уларга риоя қилмоклари лозим.

Ўзларининг меҳнатлари орқали сифатли бино тарҳи билан таъминловчи ҳамда эшик ва деразалар тижорати билан шуғулланувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида «ТБМ» компаниясининг москвалик етук ходимлари яқинда семинар-тренинг ўтказди. Унинг электрон версиялари семинар қатнашчилари ва унда иштирок эта олмаган барча мутахассисларга тарқатилди.



Бу ерда фирма, компания ва қўшма корхоналарнинг сифатли эшик ва деразаларни ишлаб чиқариш, уларни монтаж қилишларига алоҳида эътибор берилди. Гап шундаки, республикада эшик ва дераза ишлаб чикарувчиларнинг 70 фоизи «совуқ» алюминий профилидан фойдаланишаяпти. Аммо истеъмолчилар бундай маҳсулотдан қандай наф кўрадилар?

«Совуқ» алюминийдан тайёрланган эшик ва деразалар жазирамада исиб кетади, куз-қиш фаслларида эса муздек бўлади. Шу боис Тошкент шаҳрида 60 га яқин фирмалар европача сифатга жавоб берувчи ПВХ ва ёғочдан эшик ҳамда ромларни ишлаб чиқармоқдалар. Бунда Европада ишлаб чиқарилган юқори сифатли фурнитура ва комплектациялардан кенг фойдаланилаяпти.

Ўзбекистон ва Озарбойжондаги Германиянинг «Roto» фирмаси вакили ва «ТБМ» компаниясининг ходимлари ўзларининг кўп йиллик еврорамларни ишлаб, чиқариш ва монтаж қилиш бўйича тажрибаларини тарғибот қилиш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоят марказларига сафар уюштиришди. Сафар чоғида замонавий мураккаб механизмли



очилиб ёпилувчи эшик ва ромларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳолатлари ҳақида кўплаб маълумотлар олиниб, таҳлил қилинди.

Афсуски, бугунги кунда айрим қурилиш корхоналари, шу жумладан, Давлат буюртмаси бўйича объектларни қурувчилар замонавий материаллар ва фурнитуралар, эшик ва ромларни монтаж қилиш ҳамда давлат стандартларига риоя қилмаган ҳолда эски техник-норматив ҳужжатлар асосида ишлаб келмоқдалар.

Айрим фирмалар ўз маҳсулоти нархини арзонлаштириш мақсадида сифатсиз фурнитуралардан фойдаланишмоқда, улар эса узоғи билан бир йил хизмат қилиши мумкин. Европа маҳсулотларидан нусха олган ҳолда қўлбола, сифатсиз, уй шароитида ишлаб чиқарилган эшик ва ромларнинг комплектацияси ва фурнитураларидан фойдалиниш ҳолатидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Мана шундай камчиликларга барҳам бериш мақсадида «ТБМ» компанияси эшик ва ромларни ишлаб чиқарувчи корхона ходимларининг айнан ишлаб чиқариш цехларида малакаларини ошириши билан ҳам шуғулланаяпти.

Бугунги кунда «ТБМ» компанияси барча хоҳловчилар учун ўзининг кўргазмалар хонасида ва жойларда семинар-тренинг ўтказишга тайёрдир. Бунинг учун эшик ва ромларни йиғувчи ва монтаж қилувчи қурилиш ташкилотлари, фирмалар, компаниялар ва қўшма корхоналар «ТБМ» компаниясига қўнғирок қилсалар, ходимлар ўз ёрдамларини аямайдилар.

Бизнинг манзил:Тошкент шаҳри, Ойим-Арик кўчаси, 26-«Б» уй.
Телефонлар: 63-64-36, 140-02-47, 63-06-71.
E-mail
tbmtash@buzton.com
www.tbm.ru

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвон саройида Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда болажонлар ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Тилга кирган тасвирлар

"Япония — Ўзбекистон болалари нигоҳида" деб номланган кўргазма Японияннг Ўзбекистондаги элчихонаси ва "Нагано" (Япония) халқаро дўстлик клуби кўмагида уюштирилди. Конкурсда 11-14 ёшгача бўлган 150 дан зиёд иқтидорли болалар, санъат коллежлари ўқувчилари ўзларининг асарлари билан қатнашдилар.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ўзбек ва япон болаларига дунёнинг ривожланган мамлакатлари маданиятини ўргатиш, улардаги қизиқишни кучайтиришдир. Конкурсга ташриф буюрган 100 дан ортиқ меҳмонлар ва ҳакамлар турли жанр ва мавзулардаги санъат асарларини баҳолашди. Ғолиблар "Япон халқ эртаклари, афсона-мифларидаги севимли қаҳрамон қиёфаси", "Япон урф-одатлари ва қадриятлари", "Япон халқининг тарихи", "Япония — менинг тасаввуримда" ва "Японияда спорт" номинациялари бўйича тақдирландилар. Уларга махсус дипломлар ва совғалар топширилди.

Шуниндек, кўргазмага келганлар японияник машҳур рассом Макото Ямагути ва дизайнер Эйко Мацууралларнинг қизиқарли суҳбатларидан баҳраманд бўлишди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

UNFPA

Plakatlar milliy tanlovi – 2006

UNFPA, BMTning aholishunoslik bo'yicha jamg'armasi O'zbekiston xotin-qizlar qo'mitasi bilan birgalikda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Kuni bayrami arafasida Plakatlar milliy tanlovini e'lon qiladi. Bu yilgi tanlov mavzusi "yoshlarning ishtiroki". Yoshlar ijobiy o'zgarishlarni amalga oshiruvda dinamik kuchdir – kattalar uchun beqiyos yordamchilar, tashkilotchilar va boshqaruvchilar.

2006 yil mavzulari

Rasmlar/plakatlar/applikasiyalar 2006 yil Plakatlar milliy tanlovi uchun Mingyillik rivojlanish rejalarida yoshlarning qo'shgan ijobiy hissalarini ko'rsatmog'i kerak. Tanlov ishtirokchilarni aholishunoslik va gender masalalarini yaxshi anglashi va ijodlarida namoyish qilishlariga chaqiradi.

Rasmlar/plakatlar/applikatsiyalar quyidagi mavzularga yoki rassomning keltirilgan masalalarga o'z qarashlariga asoslangan bo'lishi mumkin.

1. BMT

BMT, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Mingyillik rivojlanish maqsadlariga erishishda yoshlarning ishtiroklarini ma'qullaydi.

Siz yosh kishi sifatida jamiyatingizni va mamlakatingizni rivojlanishiga o'z hissangizni qo'shishingiz mumkin. Mingyillik rivojlanish maqsadlari butun dunyo mamlakat rahbarlari tasdiqlab, imzo chekkan maqsadlardir. Mamlakatlar rahbarlari yuksak maqsadlarni belgilashgan va ularga erishish uchun ish olib bormoqdalar. Ammo sizlarsiz bu maqsadlarga erishib bol'maydi. Ruhlandingizmi? Rasmlaringizda yuqoridagi keltirilgan g'oyalarni amalga oshiring.

2. Maqsadlarga erishish uchun birgalikda ish olib borish

10 yoshlik qizdan 24 yoshlik yigitgacha, bizlarning talablarimiz, madaniyatlarimiz har xil, lekin hammamizning orzularimiz bor. Butun dunyo yoshlari rahbarlar bilan yonma-yon ushbu orzularga erishish uchun ish olib boradilar.

Umumiy maqsadlar sari birgalikda qadam tashlayotgan yoshlar haqida rasm/plakat/applikatsiya yarating. Hamkorlik to'g'risida o'ylang: tashkilotlar, turli mamlakat yoshlari bilan hamkorlik o'rnatish, nodavlat tashkilotlari bilan ishlash, BMT tizimi bilan aloqalar. Shunday rasm yaratingki, u tengdoshlaringizni ruhlantirsin va ularga kuch-quvvat baxsh etsin. Dunyoga o'z ta'sirini beradigan g'oya asosida, shunday statistika, yumor yoki obrazlarni ishlatingki, ular yoshlarning qalbini egallasin.

3. Ishtirok etishga tayyorlanish: amaliyot, axborot va imkoniyatlar

Yoshlarga dolzarb qarorlar qabul qilish uchun bilim va tajriba kerak. BMTning aholishunoslik bo'yicha jamg'armasi reproduktiv salomatlik va favqulodda vaziyatlarni yengishda zarur b'olgan hayotiy tajribalarni ta'minlovchi dasturlarni qo'llab-quvvatlaydi.

Sizlar qanday huquq va majburiyatlarga egasiz? Xalqaro, milliy va mahalliy darajalarda qanday qonun-qoidalar bor? Qarorlar qanday qabul qilinadi va bu jarayonda ishtirok etish imkoniyatlari qanday? Qarorlar qabul qilish jarayonlari haqida hikoya qiluvchi va sizning hayotingizda o'z aksini topgan ushbu qarorlar haqida rasm/applikatsiya/plakat yarating.

Qanday qilib ishtirok etish mumkin

BMTning aholishunoslik bo'yicha jamg'armasi O'zbekiston xotin-qizlar qo'mitasi bilan hamkorlikda 2006 yil Plakatlar milliy tanlovini quyidagi kategoriyadagi yoshlar uchun o'tkazadi:

1-kategoriya 10 yoshdan 12 yoshgacha;
2-kategoriya 13 yoshdan 15 yoshgacha;
3-kategoriya 16 yoshdan 19 yoshgacha;
4-kategoriya 20 yoshdan 24 yoshgacha.

Tanlovda ishtirok etish uchun yuqorida zikr etilgan mavzulardan birortasiga asoslanib rasm/plakat/applikatsiya yaratib, quyidagi ko'rsatilgan manzilga yuboring.

Ishtirokchilarga rasm yaratish jarayonida bo'yoq, guash, qalam rangli bo'rlar rangli ruchka, flomaster va rangli qog'ozdan foydalanish va kollaj qilish ruxsat etiladi.

Ishlarning o'lchamlari quyidagi talablarga javob berishi kerak:
- 60 X 45 santimetrgacha;
- 28 X 23 santimetrdan kam bol'magan.

Rasmning orqa tomoniga quyidagi axborotni yozing:

- rassomning ismi, yoshi, yoshining kategoriyasi (1 dan 4 gacha);
- o'quv muassasasi va sinfi (agar oqimasa, shug'ullanayotgan ish turi);
- manzili.

Rasm/plakat/applikatsiyani ehtiyotlik bilan o'rab, quyidagi manzilga yuboring (yoki topshiring):
Toshkent shahri, M. Tarobiy ko'chasi, 14-uy, UNFPA.
Konvert ustiga "2006 yil milliy plakatlar tanloviga" deb belgi qo'ying.

Topshirish muddati

Rasmlar/plakatlar/applikatsiyalarni milliy tanlovda ishtirok etish uchun topshirish oxirgi muddati — 2006 yil 25 noyabr.

G'oliblar

2006 yil plakatlar milliy tanlovi g'oliblari 2006 yil dekabr oyining boshida O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni bayrami arafasida e'lon qilinib mukofotlanadilar. Tanlov g'oliblari qimmatbaho mukofotlarga ega bo'ladilar. Tanlov natijalari ommaviy axborot vositalari orqali keng yoritiladi.

Nusxaga huquq

Tanlovga yuborilgan barcha ishlar UNFPA mulki hisobiga o'tadi. Jamg'arma rasmlarni matbuotda nashr etishni o'z huqugi sifatida saqlagan holda, muallifning ismini ko'rsatish majburiyatini o'z zimmasiga oladi. Zarurat tug'ilganda, rassom o'z rasmida ko'rsatilgan kishilardan ularni chizish uchun ruxsatni olishga javobgar.

33938/1900

"МИКРОКРЕДИТБАНК" — ТАБДИРКОРЛАР МАДАДКОРИ

Ишлайман, деганнинг замони келди. Бошланғич маблағ бўлса, бас. Ташаббускорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини ишга солиб, янгилик яратаётган, ҳалол меҳнати эвазига ўзи ва ўзгалар ҳаётини фаровон этаётганлар бугун кам дейсизми? Бунда, табиийки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилаётган микрокредитлар айни муддао бўлмоқда. Банк томонидан кўрсатилаётган лизинг хизматлари ва янги механизмли ишланмаларнинг мақсадли йўналтирилаётгани, айниқса, қишлоқ шароитида меҳнат қилаётган тадбиркорлар учун жуда кўл келмоқда.

Манзура опа Аҳмедованинг мустақил иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Кўплар қаторида бу тадбиркорларга дуч келган дастлабки муаммо — маблағ масаласи, яъни бошланғич сармоя эди. Банклар таъсис этаётган юқори фоизли кредитларни ўз вақтида қайтариш масаласи ташвишга соларди уни. Манзура опанинг нияти холис экан, республика Президентининг ПФ-3750-сонли Фармони эълон қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу ҳужжат, мана, бир неча ойдирки, Манзура опа сингари юзлаб бухоролик тадбиркорлар ишига ривож берди. Бу борада "Микрокредитбанк" уларга мададкор бўлмоқда.

Айни кунларда Бухоро вилоятида бу банкнинг 7 та бўлими, 4 та минибанки ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Банк томонидан ҳозирга қадар 133 нафар тадбиркорнинг сўровномалари ижобий қониқтирилиб, 406.8 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, жойларда касаначиликни ривожлантириш ва «Тадбиркор аёллар» уюшмалари билан ҳамкорликда уйда ўтириб қолган аёлларга иш бериш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 19 нафар тадбиркор аёлга 63.7 миллион сўмлик кредитлар берилди. Ғайрат ва шижоатли, ўзига хос услуби билан бухоролик тадбиркор аёллар орасида алоҳида ҳурмат қозонган Дилором опа — шулардан бири. Унинг "Олмос" меҳмонхонаси шариф шаҳарнинг ижтимоий равнақи ва бухоликларнинг бетакрор салоҳиятини бутун дунёга намоён этиб келаётган рамзий бекатлардан ҳисобланади.

— Бу мен учун жуда катта имконият, — дейди Дилором опа. — Меҳмонхонамизда соғломлаштириш комплексини йўлга қўйишни ният қилиб юргандим. Маблағ тақчиллиги сабабли ишим юришмаётганди. "Микрокредитбанк" берган имкон эса бу хайрли ишни амалга оширишга туртки бўлди.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
журналист.

Алломалар ҳақида номалар

Отни ким суғоради?

Амир Темур юртни босқинчилардан озод қилиш учун лашкар тўплаб юрарди. Бир куни у ўзининг оз сонли аскарлари билан Лангарота мавзесига келиб тушди. Тоғлар орасидаги бу қишлоқ сўлим ва салқин эди. Амир Темур ёзни шу қишлоқда ҳарбий машқ билан ўтказишни ўйлаб қўйди. Сарбозларини хонадонларга жойлаштирди, ўзи эса, қишлоқ чеккароғида, дарё бўйида ўтов тикди. У ёшлик чоғидан ўтовда ётиб туришни ёқтирарди.

Мана, ҳозир ҳам Амир Темур ўтов этагидаги кигизни салгина кўтариб қўйди. Ғир-ғир шабада эсди, димоғига ёввойи гулларнинг муаттар иси урилди. У дарё тарафга тикилиб қолди. Шу пайт от етаклаган бир жувон кўринди. Жувон отини ўтов ёнидан олиб ўтиб, дарё томон борарди. Ана у отининг бошини бўш қўйди. Арғумоқ сувга энгашди. Аёл ҳам дарёда юз-қўлини ювa бошлади. Амир Темур хаёлга толди: «Эркаги йўқ есирмикан ва ё бировнинг чўрисимикан? Нечун аёл боши билан от етаклаб юрибди?»

Жувон отини суғориб бўлди, изига қайтаётганда Амир Темур унинг йўлини тўсди.

— Узр, синглим, сизга бир оғиз гапим бор эди...

Аёл рўмолининг учи билан юзини ярим бекитди:

— Майлингиз, тақсир.

— Нечун сиз ушмундоқ юрибсиз, от суғорадиган кишингиз йўқмиди?

— Бор, — деди аёл хижолат бўлиб, — у кишим уйда қолдилар.

— Бориб кишингизга айтинг! — деди аччиқланиб Амир Темур, — менинг олдимга келсин. Оқ ўтовга, десангиз, ўзи билади.

Бироз фурсатдан кейин ўрта ёшлардаги, норғул киши етиб келди. У Амир Темурнинг Лангарни қароргоҳ қилиб турганидан хабардор эди. Ўтовга кириб, таъзим қилди. Темур гапни танбеҳ беришдан бошлади:

— Бу элда эркаклар ориятни йўқотиб қўйган, шекилли, биродари азиз! Сиз уйда ёнбошлаб ётингу заифангиз от суғориб юрсин! Шу амал эр кишига яраштурми, айтинг!

Тоғлик киши қизариб кулимсиради.

— Танбеҳингиз ўринли, бек оға, — деди қуллуқ қилиб, — мен ҳам унақа номард эмасман. Хотинга от суғортириб, уйда ўтиришни ўзим учун ор, деб биламан. Аммо ҳар бир хонадонда учта-тўрттадан сарбозларингиз бор. Улар ёш, уларнинг қони қайноқ. Бу ёқда икки қизим бўй етиб турибди. Ожиз кабутарларни бургутнинг чангалига ташлаб кетолмайманку, тўғрими, оғажон? Хотинни дарёга юбориб, ўзим қизларга қоровул бўлиб ўтирдим...

Отанинг гапи Темурга қаттиқ таъсир қилди. У сарбозларини хонадонларга жойлаштириб хато қилганини англади. Эртасига аскарларини бир ерга жамлади ва уларга алоҳида чодирлар тиктириб берди.

Кемачи хон бўлди

Муҳаммад Раҳимхон — Феруз дарё сайрида эди. Бирдан шамол туриб, кемани писта пўчоғидай ўйнатa бошлади. Дарё тошиб, кемани сув босди. Қайиқчилар ташқарига пақирлаб сув тўка бошладилар. Ёлғиз хонгина қутурган дарёга хаёлчан тикилиб ўтирарди. Тўсатдан дарғанинг дағдағали товуши эшитилди:

— Ҳей, Мадрайимхон! Хон бўлсанг — ерда хонсан, бу ерда бизга ўхшаган оддий инсонсан! Жон керак бўлса, қўлингга чўлпи олиб, сув тўк, йўқ эса, ҳаммамиз асфаласофинга кетажакмиз!

Муҳаммад Раҳимхон беихтиёр қўлига улкан чўмиччўлпини олди. Дарё сувини дарёга тўкар экан, истеҳзоли илжайиб, шеър ўқиди:

Кемачи хон бўлди,
биз навкар бўлдик,
Анинг амри билан
сув тўкар бўлдик...

Уйида ўтирмаган ким?

Собир Термизий билан Рашидиддин Вотвот қалин дўст эдилар. Улар кундакунора учрашиб, ўртага суҳбат дастурхонини ёзмаса, кўнгиллари тўлмас эди. Узун ва зерикарли қиш тунларининг бирида Рашидиддин уйига сиғмай қолди. Дўстини йўқлаб, Собир Термизийнинг ҳовлисига борди. Эшик зулфини бирикки урди, ҳеч ким жавоб бермади. У қаттиқроқ тақиллатди. Товуш бўлавермагач, овозини кўтариб, иддао қилди:

— Қанақа одам бу Собир Термизий деганлари?! Қишнинг шу изғиринли тунида уйида ўтирса бўлмайдими?

Собир, қани, дўстим не қилар экан, деб эшик очмай турган эди. Деразадан бошини чиқариб, писанда қилди:

— Мен-ку, ўз уйимда ўтирибман. Бу Вотвот деганлари қанақа одам эканки, изғиринли тунда уйида ўтирмай, бировларнинг эшигини уриб юрибди?

Иккала дўст баравар кулиб юбордилар.

Ҳирс кимда йўқ

Бир куни Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрор Валининг зиёратига отланди. Йўлда энликкина ариққа дуч келди. Сакраб ўтаётиб, чўнтагини ушлади. Унинг киссасида саккиз тиллоси бор эди.

Хожа Аҳрор Валининг мол-дунёси беҳисоб эди. Яйловларда унинг минглаб моли ўтлаб юрар, булар муридлар тарафидан ҳазрат эшонга назр қилинган жонзотлар эди. Хожа Аҳрор: «Халқдан келгани — халққа!» деган эътиқодда бу молларнинг бир қисмини етим-есир, ғарибу ғурабога эҳсон қилиб турар эди. Буни Жомий ҳам биларди, лекин, барибир, суҳбат чоғи тили қичиб, Валига таъна қилди:

— Тақсир, дунёга ўта берилиб кетаётир экансиз, деб эшитамиз. Сиздек пири комилнинг молу манотга бу қадар ҳирс қўйғони ажаб ҳол эрур...

Хожа Аҳрор кулди.

— Мавлоно, бизнинг мол-дунёга ўчлигимиз сизникидан ортиқ эмас. Бизнинг ҳузуримизга келаётиб, арикдан сакрадингиз, тўғрими? Киссангизда саккиз тилло бор эди. Шу тушиб қолмасин, деб жонингизни ҳовучлаб ўтганингизни ҳам кўриб турдик. Мол-дунёга ҳирс ўзларида ҳам бор экан, мавлоно...

Жомий кулиб юборди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Ким нима ғамда

Бухоро хони Амир Ҳайдар шеър, мусиқа тинглашни хуш кўрарди-ю, бировнинг дардини тинглашни ёқтирмасди. Унинг ғалати одати бор эди: гоҳо эски жанда кийиб, авом халқни оралаб юрарди.

Бир куни жума намозидан кейин Амир Ҳайдар қаландар қиёфасида бир мадрасага кириб келди. Бу ерда замонасининг етук шоири Мужрим Обид истиқомат қилар, юпун ва ночор аҳволда кун кечирарди. У «келинг» дегандек Амирга бош ирғаб қўйди.

Амир Ҳайдарнинг донгдор шоирдан шеър эшитгиси бор эди. У Мужрим Обидга тўрт сўз таклиф қилди, шу сўзларни ишлатиб, икки байт айтишни буюрди. Бу сўзлар гул, қилич, танбур, нон эди. Шоир кўзларини юмди. Бир лаҳзадан сўнг хаста товушда қироат қилди:

Бошимга гул
тақу рангимни кўр,
Дастимга қилич бер —
жангимни кўр,
Танбур каби қорни
очларданман,
Илкимга нон бериб
оҳангимни кўр.

Кузги чақирув

Мамлакатимизда ҳарбий хизмат ёшига етган фуқароларни Қуролли Кучлар сафига жалб этиш бўйича кузги чақирув давом этмоқда. Бўлажак аскарларнинг дастлабки гуруҳини ҳарбий қисмларга кузатиш маросими, жумладан, Наманганда ҳам тантанали вазиятда ўтди.

ОҚ ЙЎЛ, АЗАМАТЛАР!



Маросим аввалида Давлат мадҳияси янграб, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи подполковник Муроджон Қаландаров тайёргарлик бўйича ҳисобот бергандан сўнг ҳарбий қисмдан келган бир гуруҳ аскарлар жанговар чиқишларни намойиш этишди. Уларнинг эпчиллик билан бажарган машқлари кишида ҳавас уйғотади.

Бир текис саф тортган чақирилувчиларга боқамиз. Ҳақиқий ҳарбий хизматга отланаётган йигитнинг кўзи бошқача чарақлаб туради-да. Чунки у энди кечаги бўз бола эмас, балки Конституциявий бурчини бажариб, эл-юрт тинчлигини сақлашга ҳар томонлама шай бўлган эр киши. Қадди басти келишган бу норғул йигитларнинг ғоз туришидан ўзига хос дадиллик, қатъиятни сезиб олиш қийин эмас. Уларнинг аксарияти чақириққа қадар махсус тайёргарликдан ўтиб, жисмоний ва маънавий чиниқишган, армия ҳаёти ҳақида тушунчалари ҳам етарли.

— Шу йил ёзда Наманган муҳандислик педагогика институтининг транспорт бўлимини тамомладим, — дейди уйчилик чақирилувчи Раҳматилла Абдураҳмонов. — Ишга киришишдан аввал йигитлик бурчимни ўтаб қайтишга қарор қилдим. Чунки армиядаги чиниқиш, ҳаётнинг қай жабҳаси бўлмасин, асқотиши турган гап.

Раҳматилла бу гапларни бекорга айтгани йўқ. Унга қадар акаси Оятилло ҳам ҳарбийда бўлиб қайтган ва қувончу ташвишларга бой аскарлик даври ҳақида укасига тўлиб-тошиб сўзлаган. Қолаверса, уни техника билан боғлиқ қисмга хизматга юборишаётгани айни муддао бўлди. Институтда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб олади. Хизмат давомида дўстлар орттиради.

Аскар онаси. У ўғли камолга етиб, посбонлик юкини ортмоқлаётганидан ғурурда. Дилбандига оқ йўл тилаб, хизматни виждонан адо этишни уқтиради. Маросимда сўз олган Нодира Икромова фарзандини кузатиш учун чиққан барча оналар дилидаги фикрларни ифода этди:

— Бугун фарзандим Иброҳимжонни аскарликка жўнатаяпман. Ўғлим ва унинг сафдошларига айтадиган гапим битта: Ватан ҳимояси — марднинг иши. Ўйлайманки, уни шараф билан уддалаб, уйга ёруғ юз билан қайтасизлар. Ҳамиша бардам бўлинг, чунки ортингизда сизларни куну тун дуо қилиб турган ота-оналарингиз бор.

Армия — чиниқиш мактаби. Ҳаяжонли кузатиш онлари тугаб, бўлажак аскарлар тушган автобуслар ана шу мактабнинг белгиланган манзиллари сари йўлга тушди. Олдинда йигитларни жанговар хизмат кутиб турибди.

Оқ йўл, йигитлар!

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Спорт

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бокс бўйича талабалар ўртасида ўтказилган II жаҳон чемпионатида боксчиларимиз юртимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

ҲАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Нуфузли мусобақада Исмоил Шамсиматов шогирдларидан икки нафари шоҳсупага кўтарилди. Чемпионатда 57 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Абдуқаҳҳор Умаров финалда россиялик Арик Амбарцумовни 27:20 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медалга ва жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

64 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда иштирок этган ўзбекистонлик Зокир Ортиқов эса бронза медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

AGROTECH

«CASE CE» КОМПАНИЯСИНИНГ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.

«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@globalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛ ШЕРИК

3246R/1034

Корхона, ташкилот ва компаниялар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

божхона постлари ва объектлари учун теле ва видеокузатув воситалари тизимини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Техник топшириқ ва маълумотлар учун оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошлаб 14 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.
Телефон: 120-76-00, қўшимча: 28-60, 23-11.

3401R/1918

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

«Самарқанд» халқаро аэропорти самолётлар турар жойининг асфальт қопламасини мустаҳкамлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 1,5 ой.
Қурилиш ишлари «Самарқанд» халқаро аэропорти хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй
Телефонлар: (8366) 232-09-94, 23-20-482.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:
Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1- уйда соат 18.00 да «Самарқанд» халқаро аэропорти биносида ўтказилади.

3385/1911

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Ходимлар билан иш олиб бориш Бош бошқармаси бошлиғи Таир Мамажановга волидаи муҳтарамаси **Валентина МАМАЖАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Кибернетика институти қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи жамоаси Информатика институтининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор **Эркин Мамажонович АЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12 3 56